
ДАНҒАРА ТУМАНИДА РЕНОВАЦИЯ ДАСТУРИ АСОСИДА КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Вилоятимизнинг ҳар бир ҳудудида аҳолини уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Данғара тумани Увайсий маҳалласидаги Тошкент кўчасида жойлашган 2 қаватли 5 та маънан эскирган турар жойлар ўрнида 7 та 7 қаватли 308 та замонавий хонадонлар ҳамда биринчи қаватида савдо дўконларини қуриш режалаштирилган. Бугунги кунда кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиши бошланди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров тумандаги ўрганишлари давомида Реновация дастури асосида барпо этиладиган турар жойларнинг қурилиш лойиҳаси билан танишди. Эски уйларда яшовчиларнинг манфаатига муҳим эътибор қаратилиши, қурилишнинг сифати, қулай инфратузилма яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-10-02 23:53:31